RESEARCH CENTRE FOR ISLAMIC HISTORY,
ART AND CULTURE
**ИСЛОМ ТАРИХИ, САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

AL-BIRUNI INSTITUTE
OF ORIENTAL STUDIES
**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists

CURRENT CONDITIONS OF THE PRESERVATION AND RESEARCH OF ANCIENT WRITTEN SOURCES

August 2022, Tashkent, Republic of Uzbekistan

ҚАДИМИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзуида 2022 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XVIII халқаро конференция мақолалар тўплами

Istanbul 2024



OIC | Organisation of Islamic Cooperation
IRCICA | Research Centre for Islamic History, Art and Culture
Alemdar Cd., No 15, Bâbıâli Girişi 34110 Cağaloğlu, İstanbul, Türkiye
Phone | +90 212 402 00 00 Fax +90 212 258 4365
ircica.org ircica@ircica.org
Certificate no. : 75350

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists Current Conditions of the Preservation and Research of Ancient Written Sources

Sources and Studies on the History of Islamic Civilisation Series; no. 57
© Copyright | IRCICA 2024
ISBN 978-92-9063-439-3
Istanbul 2024

Cataloguing in Publication Data

Ubaydulla Karimov International Conference of Young Orientalists on Current State of the Preservation and Research of Ancient Written Sources (18th: 2022: Tashkent, Uzbekistan)

Proceedings of the 18th International Academician Ubaydulla Karimov Conference of Young Orientalists: Current Conditions of the Preservation and Research of Ancient Written Sources, August 2022, Tashkent, Republic of Uzbekistan = Қадимий Ёзма Манбаларни Мухофаза Қилиш Ва Тадқиқ Этишнинг Долзарб Масалалари: мавзуида 2022 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XVIII халқаро конференция мақолалар тўплами / edited by Mahmud Erol Kılıç and Bakhrom Abdukhalimov; prepared for publication by Ashirbek Muminov... [et al.].- Istanbul: Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2024.

480 p.: ill.; 24 cm.- (Sources and Studies on the History of Islamic Civilisation Series; No. 57).

Includes bibliographical references.

Text in Uzbek, Turkish and Russian; abstracts in English.

ISBN 978-92-9063-439-3

1. Manuscripts--Uzbekistan--Congresses. 2. Islamic civilization--Uzbekistan--Congresses. 3. Karimov, Ubaydulla, 1920-1997--Congresses. I. Kılıç, Mahmud Erol, 1961- II. Abdukhalimov, Bakhrom. III. Muminov, Ashirbek. IV. Title. V. Series.
091.09587--dc22

Edited by: Prof. Mahmud Erol Kılıç, Prof. Bakhrom Abdukhalimov
Prepared for Publication by: Prof. Surayyo Karimova, Akbar Idiev, Prof. Ashirbek Muminov, Yekta Zülfikar, Abdusattor Jumanazarov, Oysara Madalieva
Page Layout: Selahaddin Uygur
Printing and Binding: www.bilnet.net.tr

МУНДАРИЖА

КИРИШ
Проф. Д-р Маҳмуд Ерол Кылыч **13**

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРҚ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
Проф. Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович **15**

XULOSA 19

АННОТАЦИЯ 20

ОПЫТ РАБОТЫ НАСРАЛЛАХА АТ-ТАРАЗИ ПО КАТАЛОГИЗАЦИИ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИХ ФОНДОВ В ЕГИПТЕ
Муминов Аширбек & Байыр Дидар **21**

DUBLET FONDI QO‘LYOZMALARI TAVSIFIGA DOIR
Faromarzi Fayzullo **26**

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАГИ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ
Султонов Ўктамбек Абдулғаниевич **32**

МУЗЕЙ КУТУБХОНА ФОНДЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ
Идиев Акбар **38**

ҚЎЛЁЗМА ДЕВОНЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ
Эшонова Салимахон Нишонбек қизи **43**

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯ МАРКАЗИДАГИ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИГА ДОИР ЯНГИ МАНБАЛАР
Ғофуров Азимжон Шарипович **49**

ИСЛОМДА ИНСОН ҚАДРИ ВА МАҚОМИ
Усманов Маҳаммадсидиқ Абдуманнонович **53**

МОВАРОУННАҲР ҚОЗИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ: “АРХИВ”ДАН “КУТУБХОНА” КИТОБ МАТНЛАРИГА КЎЧИШИ
Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович **58**

ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ: АНЪАНАВИЙ УСЛУБЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ЎТИШ
Миркомилов Эркин & Умарова Муяссар **65**

АҲОЛИ ҚЎЛИДА САҚЛАНАЁТГАН НОЁБ МАНБАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ АМАЛИЁТИ: АСОС, БОСҚИЧ ВА МУАММОЛАР
Исламов Шарифжон & Шарипов Бекзоджон **72**

НОДИР ҚЎЛЁЗМА АСАРНИНГ РЕСТАВРАЦИЯ ЖАРАЁНИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ
Ходжаева Башорат Зафаржоновна **76**

НОЁБ ҚЎЛЁЗМА АСАР МУЛЯЖИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?
Аминов Санжар Сирожжиддин ўғли **80**

БУЮК БРИТАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ КУТУБХОНАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР ХУСУСИДА
Джуманиёзова Феруза Джуманазаровна **84**

SULTAN ŞÂHRUH’UN HAZİNE MÜHRÜ BASILAN ESERLER ÜZERİNDE BİR DEĞERLENDİRME
Makhmudjonova Gulzoda **88**

ДОМЛА ИКРОМНИНГ “РИСОЛАЙИ ФОРСИЯ ДАР БАЁНИ ВУЖУБИ САТРИ НИСО” АСАРИ ҲАҚИДА
Жамолова Дилноза Муйидиновна **94**

«ТАРЖУМОН АЛ-ҚУРЪОН» АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ТАВСИФИ
Мустафаев Достон Шухратович **99**

ДАГЕСТАН – ЖЕМЧУЖИНА АРАБСКОЙ РУКОПИСНОЙ ТРАДИЦИИ НА СЕВЕРНОМ КАВКАЗЕ
Исмаилова Алмаз Мусаевна **103**

“ФАТОВОИ ХОНИЯ” АСАРИНИНГ МУХТАСАРИ ҲАҚИДА
Мамашикуров Бекназар Бобомурадович **112**

ИБН СИНО – СЕВИЛЬЯ ВА ҚУРТУБА ШОҲИ
Маҳмудов Отабек Валижонович **117**

МУСТАМЛАКА ДАВРДА ПАХТАЧИЛИККА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ
Мирзаев Авазбек Толибжонович **125**

ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАДҚИҚИДА МЕТРОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ
Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна **128**

АБУЛҒОЗИХОННИНГ “ШАЖАРАЙИ ТУРК” АСАРИ ЕВРОПА ШАРҚШУНОСЛИГИДА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА СИФАТИДА
Тошов Нурёғди Искандарович **131**

МУЛЛА ШАМСИДДИН ШАВҚИЙНИНГ “ТАРИХ-И ШАВҚИЙ” АСАРИ
Қўлдашев Шерали Темиралиевич **138**

“КАШФ АЗ-ЗУНУН” АСАРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ФАҚИҲЛАР ҲАҚИДА
Маҳкамова Дилёра Шавкатовна **143**

“МАВОҲИБИ АЛИЙЯ”НИНГ ФАКСИМИЛЕ НАШРИ ҲАҚИДА
Лутфиллаев Ҳамидилло Муродиллаевич **150**

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКИЙ АНАЛИЗ «ЛАТА’ИФ АЛ-АМСАЛ» РАШИДУДДИНА ВАТВАТА
Анварова Маърифат Нарзуллоевна **157**

“РАБИЪ АЛ-АБРОР” АСАРИНИНГ ТУРКИЯ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ХУСУСИДА
Тўраев Лазиз Абдивали ўғли **164**

РОЛЬ КЛИНОПИСНЫХ ДОКУМЕНТОВ ИЗ КЮЛЬТЕПЕ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ДРЕВНЕЙ АНАТОЛИИ
Шалдарбекова Ажар Беккеновна **169**

TİMUR DÖNEMİ NEBATÎ NAKIŞLARI: SEMERKAND TUMAN AKA MAKBERESİ VE BURSA YEŞİL CAMİİ
Akyüz Merve **175**

САЪДИЙ “ГУЛИСТОН”ИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛДАГИ ЯНГИ ТАРЖИМАСИ (XIV АСР ОХИРИ – XV АСР БОШИ)
Эркинов Афтондил Садирханович **179**

FRANSUZ SHARQSHUNOSLIK MAKTABLARI TARIXIDAN
Ostonov Jahongir **184**

ТОЖИК ОЛИМЛАРИНИНГ МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАРИ
Абдукаримов Джамолиддин Аҳмадалиевич **189**

КУШОН ИМПЕРИЯСИ ВА ХАН, ВЕЙ СУЛОЛАЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ
Азимов Хуршид Хакимович **194**

СЕРГЕЙ ЮРЕНЕВ МЕРОСИДА БУХОРО ТАРИХИ МАВЗУСИ
Болтаев Аъзам Ҳомидович **198**

АЛ-БАЛОЗУРИЙНИНГ “ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН” АСАРИДА ШОШ ФАТҲИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
Алимов Зуҳриддин Исамутдинович **202**

«ЖАҲОНГИРНОМА» АСАРИДА БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА МОВАРОУННАҲР МУНОСАБАТЛАРИ
Йўлдашев Ботир Ўролович **207**

ВОСТОЧНЫЕ НАРОДЫ НА СТРАНИЦАХ «ПОВЕСТИ ВРЕМЕННЫХ ЛЕТ»
Пилипчук Ярослав Валентинович **210**

АМИР ТЕМУР ШАХСИГА ОИД ТАРИХИЙ ТАСАВВУРЛАР ТАҲЛИЛИ
Султонов Комилжон Аслонович **220**

УБАЙДУЛЛАХОННИНГ ШАЙБОНИЙХОН ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ
Файзуллаев Фаррух Эшқабулович **227**

“ТАФҲИМ” АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР
Куранбаева Умида Султанназаровна **232**

АМУДАРЁНИНГ ИРМОҚЛАРИ ВА ЧОРРАҲАЛАРИ “БОБУРНОМА”ДА
Шарипов Азизжон Азимович **239**

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ «БОЛЬШОЙ ИГРЫ»: ТУРКЕСТАН В РАБОТАХ АНГЛОЯЗЫЧНЫХ АВТОРОВ
Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич **253**

“AL-OSOR AL-BOQIYA” ASARINING O‘RGANILISHI MUAMMOLARI
Usmonov Husan Toshtemirovich **261**

РОЛЬ УБАЙДУЛЛА-ХАНА В РАЗВИТИИ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ШЕЙБАНИДАМИ И ОСМАНАМИ
Разаков Фаррух Абдумўминович **267**

ФИТРАТНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒОТИ-Т-ТУРК” ГА ОИД МАНБАШУОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ
Сатторова Зилола Исмаиловна **274**

“АМУДАРЁ БЎЛИМИ ДЕВОНХОНАСИ” ҲУЖЖАТЛАРИДА ЎЛКА СОЛИҚ ТИЗИМИ
Абдухалилова Азиза Эркиновна **281**

BOYMIRZA HAYITNING “TURKISTON: RUSIYA VA XITOY ORALIG‘IDA” KITOBI MUHIM MANBA SIFATIDA
Tojiyev Dostonjon Beknazar o‘g‘li **287**

СУФИЙСКИЕ И КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В “ДИВАНЕ” ДЖАХАНШАХА ХАГИГИ КАРАКОЮНЛУ
Гаджиева Кёнюль Гамидовна **293**

НАВОИЙНИНГ XVI АСРГА ОИД “ТЕРМА ДЕВОН”ЛАРИ ТАРКИБИ: ҒАЗАЛДАН БОШҚА ЖАНРЛАРИ ТАДҚИҚИ
Мадалиева Ойсара Рустамовна **298**

XVI-XVII АСР МАНБАЛАРИДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН АДАБИЙ КЕЧАЛАРИ
Қораев Шерхон Пўлатханович **323**

“MAORIF VA O‘QITG‘UVCHI” JURNALIDAGI NAZMIY ASARLARNING GRAFIK SHAKLLANTIRILISHI
Soatova Gulzoda Nurmamat qizi **332**

ДЎСТМУҲАММАД ФИРОҚИЙНИНГ ТУРКИЙ ДЕВОНИГА ОИД АЙРИМ МУХАММАСЛАР ХУСУСИДА
Зокирова Дурдона Собиржон қизи **339**

“ҚАЛОИДУ-Л-АДАБ”ДА ШАРҚОНА АХЛОҚНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ
Шерова Мавзуна Маъмуровна **344**

КУЛ ТИГИН ВА БИЛГА ХОҚОН БИТИГЛАРИДА КЕЧГАН ХОҚОН СЎЗИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ
Содиқов Қосимжон Позилович **350**

МОНИЙ ХАТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ МАТНЛАРГА МОСЛАШУВИ МАСАЛАСИ
Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович **354**

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАР ҲАҚИДА ЛИНГВИСТИК ВАСИЯТИ
Каримов Бахтиёр Раҳманович **360**

АЛИ САФИ КОШИФИЙ ҲАРАВИЙ – МОҲИР ХАТТОТ ВА ХОС КОТИБ (“ШАРҲ-И ФУСУС АЛ-ҲИКАМ” АСАРИНИНГ НУСХАСИ МИСОЛИДА)
Умурзоқов Баҳриддин Сафарович **365**

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИДА “ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ
Мухиддинова Дилафруз Зуҳриддиновна **371**

ЎРТА АСР МУСУЛМОН ОЛИМЛАРИНИНГ МЕРОСИ ҚИЁСИЙ ДИНШУНОСЛИК ОБЪЕКТИ СИФАТИДА
Абдупаттаев Мумин Мирзо Муроджон ўғли **376**

“МИЪЁР АТ-ТАДАЙЙУН” АСАРИДА ИЙМОН МЕЗОНЛАРИ ВА ДИНИЙ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ
Наимов Исмат Нусратиллоевич **385**

ИСЛОМДА БИЛИМЛАР ТРАНСМИССИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ АДАБИЁТ ВА ДИН ТАЪЛИМИ ДАРСЛИКЛАРИ
Халилова Зилола Эркиновна **395**

«ШАРҲ АТ-ТАЪАРРУФ» ҚЎЛЁЗМАЛАРИ: ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ
Раҳимов Комилжон Раҳматович **401**

ШАРҚ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИНИ АСРАШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР
Қориев Одилжон Аҳмаджонович **413**

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙНИНГ “ХАМСА” ДОСТОНИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАРДА СЮЖЕТ ВА ОБРАЗЛАР БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
Рахматуллаева Асалхон Гайратовна **418**

АБРИ БАҲОР САНЪАТИНИНГ ҚАЙТА УЙҒОНИШИ (Муқовасозлик санъати мисолида)
Саидова Нодира Ғанишер қизи **426**

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ХАЗИНАСИДАГИ МЎЪТАБАР ҚЎЛЁЗМАЛАР ВА НАФИС МЎЪЖАЗ РАСМЛАРНИ ЎРГАНИШ
Мадраимов Абдумажид Абдураимович **432**

ОТЧЕТЫ ДОМОВ-МУЗЕЕВ ТАШКЕНТА КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК
Муродов Абдували Мухтор угли **439**

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ИСБОТ АЛ-‘ИЛАЛ” АСАРИДАГИ ФИҚҲИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ447
Усмонов Иброҳим Собирович **447**

АВТОРЛАР 457

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР 461

ANALYSIS OF THE JURIDICAL VIEWS OF HAKIM TIRMIDHI IN *ITHBAT AL-'ILAL*

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ "ИСБОТ АЛ-'ИЛАЛ" АСАРИДАГИ ФИҚҲИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Usmanov Ibrahim Sobirovich
Усмонов Иброҳим Собирович

The peoples of Central Asia have made a significant contribution to the development of Islamic law: Fiqh and Usul al-Fiqh. Hakim Tirmidhi (d. 932) also recorded his valuable thoughts on fiqh and usul al-fiqh in his books. One of such unique jurisprudential works of Hakim Tirmidhi is *Ithbat al-'Ilal*. This book caused a great deal of controversy in his time, and the author was exiled from Tirmidh city and even accused of kufr. Tirmidhi's purpose in writing *Ithbat al-'Ilal* was first to try to demonstrate that all of God's commandments and prohibitions have a cause or reason lying behind them, that is, that God has a purpose in mind when he commands certain actions and prohibits others, and that these reasons or 'ilal, as he calls them, can be known by men; and then secondly to set down exactly what those reasons are which lie behind God's commandments and prohibitions.

Hakim Tirmidhi's views on the reasons for the Shari'ah rulings have had a positive effect on many scholars of later times. Consequently, the scholars of the later period also stressed the importance of knowing the reasons for the rulings. Indeed, the 'illa is the most important pillar of qiyas in al-fiqh. Hakim Tirmidhi's *Ithbat al-'ilal* shows that he was the first author in the field of *Maqasid ash-Shari'a* in Islamic jurisprudence.

Марказий Осиё халқлари ислом ҳуқуқи, яъни фиқҳ илми ва ушбу илмнинг услубий асоси бўлган усул ал-фиқҳ илми ривожига жуда катта ҳисса қўшганлар. Бежизга манбаларда ўрта аср усул ал-фиқҳ уламоларининг деярли барчаси ажам, уларнинг аксарияти мовароуннаҳрликлар бўлгани қайд этилмаган. Мазкур илмлар IX-XIV асрларда жуда тараққий этиб, шу даврда диёримиздан кўплаб фақиҳ ва усул ал-фиқҳ уламолари етишиб чиққани бу гапларни тасдиқлайди: Абу Мансур Мотуридий, Қаффол Шоший, Абулайс Самарқандий, Абулмуин Насафий, Абу Убайдуллоҳ Насафий, Паздавий, Алоуддин Самарқандий, Шамсулаимма Сарахсий, Абу Ҳафс Насафий, Абулбаракот Насафий, Бурҳонуддин Марғиноний шулар жумласидандир.

Юқорида зикр этилган уламолардан олдинроқ яшаб ўтган яна бир аллома – Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ҳам фиқҳ ва усул ал-фиқҳ бўйича қимматли фикрларини бир неча китоб ва рисолаларида қайд этган. Унинг фиқҳга доир асарлари анъанавий фиқҳий асарлардан услуб, баён, мақсад, таркиб жиҳатидан фарқ қилган: биринчидан, унинг асарларида шариат талаблари доирасида бирор амални бажаришдан банда оладиган руҳий-маънавий фойдалар тасвирига кўп урғу берилган, иккинчидан, ибодатларнинг буюрилиш сабаблари (علل) очиб берилган;

учинчидан, қилинган амалларни беҳуда қиладиган маънавий иллат ва нуқсонлар муолажасига катта ўрин ажратилган [2:179].

Жумладан, Ҳаким Термизий асарларида фақиҳларда учрайдиган баъзи иллатларни "Шифо ал-илал" асарида танқид қилади. Улар илмни зийнат учун, одамлардан юқори туриш учун, раҳбарлик талабида эмас, ниятини яхшилаб, муродини холис қилиб Аллоҳ учун ўрганишлари лозимлиги, акс ҳолда улар "фақиҳлар чиқиндиси" эканини айтади. Улар дунё тамаъсида ой кетидан йилларни – қиёслаш, мунозаралар, рухсатлар сотиш, уламоларнинг хатоларини тўплаш, золимларга ёрдам бериш, халқни Аллоҳ изн бермаган нарсага журъатли қилишга сарфлайдилар. Фақиҳнинг ҳолати бундай бўлмаслиги кераклигини таъкидлайди [1:94].

Яна бир ўринда ("ал-Масоил ал-макнуна" асарида) ёзади: "Фақиҳларнинг минглаб жилдли китобларида охират эслатмалари, жаннат ва дўзах васфи, ўлим, барзах ва у ердаги даҳшатлар, ҳисоб-китоб шиддати, игичка пулсиротдан олов узра ўтиш, амалларнинг вазни, одамларнинг қўрқуви, Аллоҳга муштоқ бандаларнинг шавқи, Аллоҳни таниган уламоларнинг қўрқуви, тақводор ва парҳезкор бандаларнинг сифати, зоҳидлар ва роғиблар сифати, дин манзиллари, нафс, душман ва хою-ҳавас кирдикорлари, зийраклар ва ўзига ром бўлганлар сифати, Қуръоннинг ҳикмати, латоифлари, яширин маънолари ва ажойиботлари, мукаррам бандаларнинг хусни хулқлари, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ахлоқлари ва шамоиллари [...] ни кўрасанми? Фикр аҳли бундан четда" [1:95].

Ҳаким Термизий фақиҳларнинг фаолиятини танқид қилиб, уларнинг йўлидан фарқли услубда ўз фиққий асарларини ёзади. Ҳаким Термизийнинг ана шундай ўзига хос фиққий асарларидан бири "Исбот ал-Илал"дир.

Ҳаким Термизийнинг "Исбот ал-Илал" асари ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган асар эди. Суламий, Шаъроний, Субкийларнинг қайд этишларича, айнан "Хатм ал-авлиё" ва "Илал аш-шариа" асари учун муаллиф Термиздан сургун қилинган ва ҳатто куфрда айбланган [8:245].

Термизийнинг "Исбот ал-илал" китобини ёзишидан мақсади қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, диндаги ҳар бир ҳукмнинг мақсади, сабаби (иллат), ҳикмати бўлади ва албатта инсон уларни англаб ета олади, шуни тушунтириш; иккинчидан, айнан қайси иллат – сабаб у ёки бу ҳукм (амр ва наҳй) орқасида турганини амалий кўрсатиб бериш [6].

Мазкур китоб асарларда асосан қуйидаги номлар билан қайд этилган: Исбот ал-илал, Илал аш-шариа, Илал ал-убудийя фи-л-аҳкам, Китаб ал-илал, Исбат илал аш-шариа, Таълил аш-шариа, Илал ал-убудийя [3:62].

Асарнинг учта қўлёзма нусхаси борлиги аниқланган: бири – Берлин Қўлёзма фондида, ҳижрий 600 й. кўчирилган, 58 варақдан иборат, иккинчиси Туркиянинг Валиюддин фондида тахминан 700 йил кўчирилган, 50 бетдан иборат. Иккала қўлёзма ҳам тўлиқ ҳолда сақланган. Берлин қўлёзмаси бир томондан қадимийлиги, иккинчи томондан имловий ва грамматик хатолар кўплиги, ёзувининг мураккаблиги билан Туркия нусхасининг бирқадар хатолар камлиги ва хати нафислиги билан фарқланади [4:54]. Тадқиқотларда асарнинг учинчи қўлёзма нусхаси Туркиянинг Харожи ўғли фондида мавжудлиги қайд этилган [2:70].

1998 йили мазкур икки қўлёзма асосида марокашлик олим Холид Заҳрий "Исбот ал-илал" номи билан китобнинг замонавий нашрини тайёрлади. "Исбот ал-илал" асари муқаддима ва 69 бўлимдан иборат. Ҳар бир бўлим бирор ибодат ёки шаръий ҳукмнинг жорий қилиниш иллати – сабабини муҳокама қилади. Оят ва

ҳадисдан далиллар келтиради, сўнгра ўзининг хулосасини беради. Масалан, ўлимтикни ейиш ҳаром қилинишининг иллати сифатида қуйидагилар келтирилади: "Танадан руҳ чиқиб кетса, қон қотиб қолади. Шундай гўштни еган киши қонни ҳам бирга ейди... Томирларда оқадиган қон инсон танасида жойлашган душман (шайтон)нинг қароргоҳидан оқиб ўтгани учун ҳам ҳаром қилинган... Қоннинг нажосатланиши ва ифлосланиши айнан душман (шайтон) томонидан бўлади... Гўшт, жигар ва қораталоқдаги қон бундай эмас" [10:238]. Демак, ўлимтикнинг ҳаром қилиниш иллати – шайтон томонидан ифлослантирилган қон истеъмол қилинмаслиги учун экан.

"Исбот ал-илал" асари "Бисмиллаҳ"дан кейин ўзининг кўп китоблари каби савол-жавоб тарзида бошланади: "Сен буйруқ ва қайтариқ *(ал-амр ва-н-наҳй)* иллатларининг исботи бўйича кишилар мунозара қилган нарсалар ҳақида мендан сўрадинг". Сўнгра ўз мухолифларининг фикрларини, уларнинг далилларини келтириб туриб, уларнинг ҳар бирига жавоб қайтаради: "Одамлар иллатлар йўқ нарса эканини айтадилар. Аммо ҳукмларнинг иллатлари мавжуд, уларни англаганлар англайди, билмаганлар билмайди" [10:67]. Сўнгра муаллиф ҳукмларнинг иллатлари мавжудлигини исботлаш учун аввалambор асарнинг кириш қисмида оят ва ҳадисларга, сўнгра мантиқий усулларга таянади. Мантиқий усулларга мисол: "Аллоҳ таоло бандаларига бирор нарсани буюрса ёки бирор нарсадан қайтарса, беҳудага қилганми ёки ҳикмат биланми? Агар беҳудага деса, Аллоҳнинг буйруқларига бепарво ва беписанд бўлиб, уни ўйинга йўйган бўлади, Агар "амр ва наҳй ҳикматдан чиқарилган" деса, унга "қани ўша ҳикмат, нима экан у?" дейилади" [10:69]. Шундан сўнг аллома ҳикмат илми орқалигина ҳукмларнинг иллатини аниқлаш мумкинлигини айтиб, ҳикмат илмининг афзаллигини кўрсатади: "Ҳикмат – илмнинг ботини – яширин қисми, ботин – нарсанинг мағзидир, зоҳир – нарсанинг пўстлоғи. Манфаат мағизда, пўстлоқда эмас" [10:69].

Термизий "Исбот ал-илал"да уламоларни уч тоифага ажратади: "Ушбу сўзлар ушбу умматга хосланган. Омма (уламолар)га ҳарфлар ва уларнинг талаффузи берилган, авлиёларга маънолари берилган, маъноларини мушоҳада қилиш хос авлиёларга берилган" [10:111-112]. Омма уламолар шариатнинг зоҳири ва ҳукмларини биладилар, чунки улар бу нарсаларни Роббиларини танишлари миқдорида англаб етадилар. Уларда илмус-сифат бўйича фақатгина ҳарфлар йиғиндисигина бор. Буларнинг маънолари фақатгина Аллоҳнинг ердаги хос бандалари – ҳакимлар *(ҳукамо)*га маълум [10:98].

Термизийнинг бу тақсимоти асосида унинг илмни зоҳир ва ботин, яъни ҳикматга ажратиши туради. Унга кўра – зоҳирий илм – илмнинг устки қобиғи, ботиний илм эса, унинг мағзидир. Омма уламо биринчисини англайди, аммо иккинчисига ожизлик қилади. Оммага лафзлар берилган бўлса, хосларга уларнинг маънолари берилган [10:70].

Ҳаким Термизий "Исбот ал-илал" асарида таълил (иллатларни топиш) масаласида нақлий, луғавий, завқий-ирфоний ва мантиқий-изчиллик асосларига таянади. Нақлий таълилда у бирор шаръий ҳукм иллатини аниқлашда Қуръон, ҳадис ва бошқа манбалар асосида таянса, луғавий таълилда сўзнинг ўзак маъносига кўпроқ урғу бериб фиққий масаланинг иллатини аниқлайди. Ирфоний таълил эса Ҳаким Термизийнинг қарашлари, ҳаётий тажрибаси орқали шаклланганини кўриш мумкин. Мантиқий-изчиллик услубида иллатларни мантиқий тафаккур асосида дақиқлик билан аниқлаштиради.

Термизийнинг “Исбот ал-илал” асарида ижтиҳод ҳақида келтирилган фикрларини умумлаштириб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, ижтиҳод салоҳияти шариат иллатларни биладиган ва ҳукмларнинг ҳикматини англаб ета оладиган фақиҳларга берилган.

Ҳаким Термизийнинг яна шу номга яқин “Илал аш-шариа” деган асари каталогларда қайд этилиб, бу асарнинг ҳозирги кунда икки қўлёзмаси – бири Қоҳирада, иккинчиси Туркиянинг Валиюддий фондида сақланади. Асар “Исбот” асарига мазмунан яқин, аммо унинг мавзулари асосан таҳорат, намоз ва мисвок ишлатиш масалаларини қамраб олади. Бу асар ҳам тўла маънода анъанавий фиқҳий асарлардан фарқланади. Бу асарда ҳам Термизий ҳукмларнинг иллатини ёритишга, ҳукмларни адо этиш асносида кишининг руҳиятида кечадиган жараёнларни тасвирлашга катта эътибор қаратади [2:104-107]. Марокашлик тадқиқотчи Холид Заҳрийга кўра, мазкур асар Термизийнинг бошқа бир “ас-Сола ва мақосидиҳа” китобининг қисқартма шаклидир, янги мазмундаги асар эмас [3:65].

Шариат ҳукмларининг иллатлари бўйича Ҳаким Термизийнинг фикрлари кейинги даврлар кўплаб уламоларига ижобий таъсир қилган. Бинобарин, кейинги давр уламолари ҳам ҳукмларнинг иллатларини билиш муҳим эканини таъкидлаганлар. Зеро, иллат усул ал-фиқҳдаги қиёснинг энг муҳим рукни ҳисобланади. Иллат қиёс биносининг пойдеворидир.

XIII аср ҳанафий уламоси Низомуддин Шоший усул ал-фиқҳ бўйича ёзган “Усул аш-Шоший” асарида қиёсни учга бўлади: луғавий, мантиқий, шаръий. Шаръий қиёс – усулий қиёс деб ҳам аталиб, бир ҳукмни ҳукмига насс келган воқеадаги иллат туфайли насс келмаган воқеага қўллашга айтилади. Бир маънонинг иллат бўлиши тўрт нарса: Китоб, суннат, ижмо, ижтиҳод ва истинбот билан билинади [7:334-335] - деб қайд этади.

“Иллат” сўзи шариат уламолари истилоҳида уч хил маънода ишлатилади:

1. Ҳукмнинг шариатга киритилишига муносиб маънони ифода этиш учун.

2. Шариатга киритилган ҳукмга қилинган амалнинг самарасини ифлода этиш учун.

3. Ҳукмга муносиб маънони ўз ичига олган зоҳирий ва ўзгармас сифатни ифода этиш учун.

Усул ал-фиқҳ уламолари иллатни: “Маслаҳат (фойда, манфаат) юзага чиқиши учун маълум ҳукмнинг шариатга киритилишига сабаб бўлган нарса ёки ҳукмни танитувчи сифат” деб таърифлаганлар [5:138-140].

Ҳаким Термизийнинг асарлари унинг ислом ҳуқуқшунослигидаги “мақосид аш-шариа” йўналиши бўйича илк муаллиф бўлганини кўрсатади. Зеро, “мақосид аш-шариа” илми айнан “таълил илми” асосига қурилган бўлиб, унинг илк пойдевори Ҳаким Термизийнинг “Асрор ас-сола” ва “Исбот ал-илал” асарларида қўйилган [9]. Унинг фиқҳий масалалардаги ижтиҳодлари буни яққол намоён қилади. Фиқҳий масалаларда таржиҳ қилиб, устун фикрни даллиллаб, қўллаб-қувватлайди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Абдулфаттоҳ Барака. Ал-Ҳаким ат-Термизий: назарийятуҳу фи-л-вилая. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 2014.

2. Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дар ан-Наҳда ал-арабийя, 1981.

3. Заҳрий, Холид. Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. – Работ: Марказ ад-диросот ва-л-абҳос, 2013.

4. Заҳрий, Холид. Ҳаким Термизийнинг "Исбот ал-илал" асари муқаддима қисми. – Касабланка: ан-Нажаҳ ал-жадида, 1998.
5. Муҳаммад Содиқ М.Ю. Усулул фиқҳ. – Тошкент: Ҳилол-нашр, 2019.
6. Nicholas Heer. Al-Ḥakīm al-Tirmidhī's Kitāb Ithbāt al-'Ilal. 1960. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.
7. Низомуддин Шоший. Усулуш Шоший / А.Аҳмадалиев нашрга тайёрлаган. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016.
8. Тожуддин ас-Субкий. Табақот аш-шофеийя ал-кубро. – Гиза: Ҳижр, ҳ. 1413. Т. 2.
9. Ториқ Ҳажи. Аш-шаъаир ал-исламийя фи-л-китабат ал-мақосидийя ал-муасира. 2016 й. https://www.ida2at.com/islamic-rites-in-the-writings-of-contemporary-intentional-view/
10. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Исбот ал-' илал. – Касабланка: ан-Нажаҳ ал-жадида, 1998.